

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ИЛХОМОВ БАХОДИР ИЛХОМ ЎҒЛИ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВ
ХОДИМЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
(малака ошириш тизими мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Илхомов Баходир Илхом ўғли

Профессионал таълими тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий
компетентлигини ривожлантириш (малака ошириш тизими
мисолида)..... 3

Илхомов Баходир Илхом угли

Развитие экономической компетенции управленческих кадров системы
профессионального образования (на примере системы повышения
квалификации)..... 23

Ilkhomov Bakhodir Ilkhom Ogli

Development of the economic competence of the managerial personnel of the
vocational education system (on the example of the advanced training
system)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ИЛХОМОВ БАХОДИР ИЛХОМ ЎҒЛИ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВ
ХОДИМЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
(малака ошириш тизими мисолида)**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped1032 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://iirpo.uz>) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қурбонов Шавкат Эргашевич педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Муслимов Нарзулла Алиханович педагогика фанлари доктори, профессор Чориев Рузимурад Кунгратович педагогика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари, п.ф.д., профессор, академик

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

К.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришда бюджет харажатлари эҳтиёжларини аниқлаш, маркетинг-тадбиркорликни ривожлантиришнинг мавжуд инновацион усуллари ва услубий ёндашувларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш, «харажатларни бошқариш» парадигмасидан «натижаларни бошқариш» парадигмасига ўтиш масалаларини ҳал этиш муҳим ҳисобланади. Шу боис, профессионал таълим муассасалари бошқарувида ўзига хос компетенциялар шаклланган, жумладан, иқтисодий компетенцияларга эга раҳбарларни тайёрлаш масаласининг долзарб вазифа сифатида белгиланиши малака ошириш тизимига таълим инновацияларини татбиқ этиш, рақамли технологияларга асосланган иқтисодий бошқарувнинг янгича усуллари таълим жараёнига киритишни тақазо этади.

Жаҳонда таълим хизматларини ташкил этишнинг бозор муносабатлари шароитида иқтисодий бошқарув муаммоларини тадқиқ қилиш долзарблигича қолмоқда. Халқаро тажрибаларга кўра ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида (European Case Clearing House – EССН, IMD) профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимларининг малакасини ошириш жараёнида маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий ва ахборот-таҳлил компетенцияларини ривожлантиришнинг концептуал тизимли моделига асосланган методик моделини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, интеграциялашган модулли ўқитиш асосида малака оширишнинг ахборот-дидактик таъминотини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири узлуксиз таълим сифатини ошириш билан боғлиқ. Бунда малака ошириш тизимини профессионал таълимнинг халқаро андозаларга мослигини таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида педагогларнинг малака ошириш жараёнига алоҳида урғу бериб қўйидагиларни таъкидлади: маълумки, муаллимлар ҳозирги вақтда ҳар 5 йилда малака оширади. Бундан буён уларнинг “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ўз малакасини узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилади¹. Шунингдек, “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш, таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, бошқарув ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш учун таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш масалалари устувор вазифа этиб белгиланди². Юқори малакали кадрларни тайёрлаш, инновацион

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 106 - сон Қарори.

илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш шунингдек, таълим муассасаларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар, таълим тизимида замонавий фикрлайдиган, инновацияларни қўллаб қувватловчи, рақобат ўсиб бораётган таълим хизматлари бозорида табақалашган таълим дастурларини таклиф эта оладиган бошқарув ходимларига эҳтиёжни оширмоқда. Шу нуқтаи-назардан профессионал таълим тизими бошқарув ходимларини касбий фаолиятга тайёрлаш мазмуни, талаблари ва йўналишларини компетенциявий ва инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 466-сон, 2021 йил 29 мартдаги “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора - тадбирлари ҳақида” ги 163-сон, 2021 йил 26 февралдаги “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 106 - сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада касб таълими ва малака ошириш тизимининг ривожланиш тавсифи, таълим сифатини ошириш истиқболлари, узлуксиз таълимда компетенция ва компетентлик масалалари ва касбий маҳоратни ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар Р.Х.Джўраев, Ж.Ғ.Йўлдошев, Х.Ғ.Рашидов, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабоев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, С.Ю.Ашурова, Д.О.Химматалиев, Ж.А.Ҳамидов, Б.С.Нуридинов, Н.Н.Каримова, Н.Б.Хусанов, С.Бобоқулов ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

МДҲ мамлакатларида компетенция ва иқтисодий компетентлик масалалари, таълим тизими раҳбар ходимлар малакасини оширишнинг илмий ва педагогик асослари И.А.Зимняя, Т.С.Терюкова, М.А.Чошанов, О.Н.Ткачева, Е.Е.Овакимян, М.В.Плюта, А.Ю.Мисаилов, И.И.Жуклинец, Е.Н.Хаматнурова, П.В.Худоминский, Э.Ф.Зеер, А.К.Маркова, Л.И.Корнеева, Е.А.Варкина ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Хорижий олимлардан Ж.Равен, В.А.Кальней, С.Е.Шишова, А.Weiss, A.Stoof, R.L.Martens, J.J.G.van Merriënboer, П.Фаульштих ва шу каби олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот иши ЁА-1-16 “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги раҳбар ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича малакавий тайёргарлик даражасини квалиметрик баҳолаш” (2016-2017йй.) ҳамда Немис Халқ Университетлари ассоциацияси (DVV) Филиалининг № 11/11-18-Т ва 10/08-19-Т сонли “Ўзбекистон Республикаси касб-хунар таълими тизимидаги ходимлар малакасини ошириш тизимини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш” (2018-2019 йй.) мавзусидаги халқаро грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малака ошириш жараёнида профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

профессионал таълим тизими бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлиги тузилмаси мазмуни, таркибий компонентлари (маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий), мезонлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш;

малака ошириш жараёнида профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, педагогик шарт-шароитларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш;

профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини малака ошириш жараёнларида ривожлантириш методикасини халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш;

профессионал таълим тизими бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлигининг ривожланганлик даражаларини баҳолаш тизимини, индикаторларни қўллаш асосида такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ этиш ҳамда олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг малакасини ошириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини малака ошириш жараёнида ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида мавзуга оид педагогик, психологик адабиётлар, илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув режа ва дастурларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, кузатув, суҳбат, тест, ўз-ўзини баҳолаш сўрови, педагогик тажриба-синов, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

профессионал таълим тизими бошқарув ходимларини малакасини оширишда интеграциялашган модулли ўқитишнинг ахборот-дидактик таъминотини ишлаб чиқиш орқали маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий каби иқтисодий компетенцияларини ривожлантиришнинг синергетик жараёни тизимли, фаолиятли, андрагогик ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

таълим тизими бошқарув ходимлари иқтисодий компетенлигини малака оширишда ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик модели, “Four stages of competence” - онгли компетентлик босқичларини интеграциялаш ҳамда илмийлик, узлуксизлик, фасилитация, рефлексивлик каби тамойилларни иқтисодий мазмунда интерпретациялаш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнида профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш методикаси модулли ўқитиш босқичларини моделлаштириш, “Microsoft PowerPoint дастурининг инновацион муҳитида блиц, савол-жавоб” ва интерфаол таълим методларини интеграциялаш асосида оптималлаштирилган;

малака ошириш жараёнида профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожланганлик даражаларини аниқлаш когнитив, мотивацион, фаолиятли, шахсий каби баҳолаш мезонлари ва иқтисодий баҳолаш индикаторларини дихотомик мажмуавий яхлитлигини таъминлашнинг педагогик дастурий воситасини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш модели, “Four stages of competence”, яъни онгли компетентлик модели билан интеграциялашган ҳолда такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган;

профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимлари амалий фаолиятларида фойдаланишлари учун “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида директор жамғармаси маблағларидан фойдаланиш” номли услубий қўлланма, “Машғулотлар жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш” номли услубий тавсиянома ва “Профессионал таълим муассасалари бошқарувида иқтисодий компетентлик ва молиявий масалалар” номли ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланилмоқда;

профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлигининг ривожланганлик даражасини аниқлашга имкон берувчи амалий тестлар, кейслар, компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли топшириқлар, иқтисодий компетентликни баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

моддули ўқитиш босқичларини лойиҳалаштириш ва “Case-study”, “Budding”, “Basket” методларни интеграциялаш асосида яратилган “Microsoft PowerPoint дастурининг инновацион муҳитида блиц, савол-жавоб” интерфаол методи малака ошириш муассасалари ўқув жараёнларида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, мамлакатимиз ва хорижий илмий журналларида чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда татбиқ этилгани шунингдек, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган тузилма, методика, модел, ўқув-услугий қўлланмалар, электрон таълим ресурслари яратилганлиги, бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, воситалари ва босқичларининг аниқланганлиги, ўқув модуллари мазмунининг компетенциявий ёндашув ва шахсга йўналтирилган таълимнинг андрагогик тамойилларига асосланган ҳолда илмий назарий бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришда компетенциявий ва андрагогик ёндашувлар асосида малака ошириш ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, интеграллашган интерфаол методлар ва онгли компетентлик босқичлари асосида иқтисодий компетентликни узлуксиз ривожлантириш шунингдек, тизим муассасалари бошқарув ходимлари малакасини ошириш ўқув, ўқув-услугий таъминотини такомиллаштириш ҳамда малака ошириш жараёнини самарали ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг ахборот-дидактик таъминотини амалиётга жорий этиш орқали малака ошириш ўқув курсларининг ташкилий-мақсадий, натижавий компонентлари мазмунини такомиллаштиришга оид таклифларидан “Ўзбекистон Республикаси касб-хунар таълими тизимидаги ходимлар малакасини ошириш тизимини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш” (2018-2019 йй.) мавзусидаги халқаро грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5565-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар малака ошириш курсларини (қисқа муддатли) ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан самарадорлигини ошишига хизмат қилган;

профессional таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тизим бошқарув ходимлари малака ошириш курси намунавий ўқув режаларига иқтисодий компетентликни ривожлантиришга қаратилган махсус ўқув модули киритилган. Модулли ўқитишнинг ахборот-дидактик таъминоти жумладан, “Профессional таълим муассасалари бошқарувида иқтисодий компетентлик ва молиявий масалалар” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва малака ошириш таълим жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғи, № 418-283 рақамли гувоҳнома). Мазкур ўқув қўлланма малака ошириш жараёнида таълим сифатини ошишига ва тингловчиларнинг иқтисодий компетентлигининг ривожлантиришга хизмат қилмоқда;

интерфаол таълим методларини интеграциялаш асосида профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш модели, иқтисодий компетентликни ривожлантиришга қаратилган педагогик дастурий воситаси яратилган ва малака ошириш жараёнига жорий этилиб тажриба-синовдан ўтказилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5565-сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 02-02/2-638-сонли маълумотномаси). Мазкур ишланмалар профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг ўқув-дидактик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, 1 та услубий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (5 та республика ва 4 та хорижий журналларда) нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг № 001623-сонли муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари белгиланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги

кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, амалда жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг **“Малака ошириш жараёнида профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида жаҳон иқтисодий тизимига интеграция, глобаллашув ва рақамли технологияларнинг ривожланиши жараёнларида иқтисодий компетентликнинг ижтимоий зарурият сифатида ҳаётий аҳамияти шунингдек, “компетентлик” ва “иқтисодий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти, профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлиги тузилмаси, мазмуни, тадқиқот муаммосига доир илмий-назарий адабиётлар таҳлили, иқтисодий компетентликни ривожлантиришнинг илмий, психологик-педагогик асослари ва иқтисодиётни рақамлаштириш, профессионал таълим тизимини модернизациялаш шароитида тизим бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигига қўйилаётган замонавий талаблар таҳлилий баён этилган.

Шакланган хулосаларга кўра "компетентлик" шахс сифати, фазилатлари мажмуи бўлиб, фаолиятда шахсий муносабатларни мужассам этувчи компетенцияларни эгаллашни назарда тутлади. Компетентлик тушунчасининг моҳиятини амалиётга йўналтирилган билимлар, кўникмалар, қобилият, хулқ-атвор каби интеграллашган шахсий сифатлар тўпламини узлуксиз ривожлантириб бориш назарда тутилар экан, иқтисодий компетентлик тушунчасини қуйидагича изоҳлашимизга замин бўлди: **“Иқтисодий компетентлик** - жамият ривожланишига мос иқтисодий билим, кўникма, малакаларни доимий эгаллаб бориш қобилияти бўлиб, турли иқтисодий вазиятларда уларнинг амалиётга мақсадли татбиқи билан боғлиқ шахсий ривожланиб боровчи интеграл сифатлар йиғиндисидир”.


Иқтисодий компетентлик тушунчаси билан ёндош мазмунда, муаммо сифатида белгиланган профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлиги негизида қандай сифатлар акс этиши, унинг мазмун-моҳияти ва тизим бошқарув ходимлари ўзларида иқтисодий компетентликнинг қандай сифатларини ёрита олиши ва ривожлантириши муҳимлиги муаммосидан келиб чиққан ҳолда тизим бошқарув ходимларининг иқтисодий фаолияти таҳлил қилинди.

Профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий фаолияти, ваколатлари доирасида муассасанинг ички ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда режалаштириш, ижро этиш, назорат ва бошқаришдан иборат бўлади. Шунингдек, муассасанинг иқтисодий барқарорлигини, молиявий мустақиллигини таъминлаш фаолиятида молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, молиявий ресурсларни режалаштириш, молиявий ресурслар ижросини таъминлаш ва назорат каби

функцияларини ўз ичига олади. Мазкур вазифалар ижросига боғлиқ равишда муассаса фаолиятининг маълум жараёнларида, профессионал таълим муассасаси бошқарув ходимларининг иқтисодий роли (буюртмачи, харидор, хизмат кўрсатувчи) ўзгариб туради ва ҳар бир иқтисодий фаолиятга мос ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи, шунингдек билим, кўникма ва малакалар талаб этилади.

Профессионал таълим муассасаси бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлиги, иқтисодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ, фикримизча тизимли равишда уч турдаги компетенцияларни назарда тутаяди, булар: *маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий ва ахборот-таҳлил*.

Ҳар бир компетенция ўз навбатида алоҳида махсус билимлар, кўникмалар, касбий фаолиятнинг минимал зарур шахсий тажрибаси, мотивлар, кадриятларни ўзида мужассам этар экан, мазкур компетенцияларнинг тегишли таркибий қисмлари мазмунини умумлаштирган ҳолда иқтисодий компетентлик мезонлари аниқланди (1-расм).



1-расм. Профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлиги тузилмаси

Маркетинг-тадбиркорлик компетенцияси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари асосида ижтимоий таълим буюртмасини, буюртмачиларнинг профессионал таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш шунингдек, инновацион менежмент, бизнес-тадбиркорлик асосларини, таълим хизматларини ташкил этишда молиявий маблағларни жалб қилиш ва тасарруф этишда маълум фаолият усулларини янги иқтисодий шароитларга мослаштира олиш қобилияти ҳисобланади.

Иқтисодий-ҳуқуқий компетенция тизим бошқарув ходимларининг белгиланган ваколатлари доирасида профессионал таълим муассасаси фаолияти билан боғлиқ масалаларни иқтисодий жиҳатдан самарали ва қонуний ҳал қилиш қобилияти бўлиб, иқтисодий-ҳуқуқий фаолиятини ифодаловчи кадриятлар ва мотивлар билан тартибга солинади.

Ахборот-таҳлил компетенцияси иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида тизим бошқарув ходимларининг муассаса иқтисодий фаолиятини, молиявий дастурий мажмуалар ва бошқа маълумотлар асосида таҳлил қилиш қобилияти бўлиб, таълим муассасасининг фаолият самарадорлигини ташқи ва ички иқтисодий омиллар асосида баҳолаш бўйича билим, кўникма, малакалар мажмуи, турли мураккаблик даражасидаги иқтисодий вазиятларда муаммоларни таҳлилий ва тезкор ҳал қила олишга имкон беради.

Олиб борилган таҳлилларга асосланиб профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлиги тузилмасининг қуйидаги мезонлари аниқланди:

Когнитив мезон - иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш, фаолиятнинг асосини ташкил этувчи, реал иқтисодий вазиятларни рақамлаштирилган маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш йўлини танлай олишни таъминловчи зарур иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар мажмуини билишни ўз ичига олади.

Мотивацион мезон - иқтисодий компетентликни намоёни қилишнинг ижобий мотивацияси, иқтисодий компетентлик даражасини оширишга қизиқиш, профессионал таълим муассасасини иқтисодий ривожлантириш, бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш, рақамли иқтисодиёт шароитида рақобат, ҳамкорлик, қарама-қаршилик, иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар ўртасидаги боғлиқлик даражаси, эҳтиёж каби кўрсаткичлар асосида тавсифланади.

Фаолиятли мезон - тегишли кўникмаларни ўзлаштириш, иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш йўллари танлаш, тезкор мақсад қўйиш кўникмалари ва тажрибалари мажмуи билан ифодаланади.

Шахсий мезон – бошқарув ходимларининг иқтисодий фаолият векторини характерловчи муҳим шахсий фазилатларни, иқтисодий ва иродавий сифатларни шакллантириш, иқтисодий ваколатини тушуниш, иқтисодий қарорларни қабул қилишда мустақиллик, креатив фикрлаш, рефлексия ва тафаккурни акс эттиради.

Тадқиқотимизда профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлигининг тузилиши, компонентлари ва мазмунини белгилашда Е.А.Варкинанинг илмий ёндашувларига таянилди. Шунингдек, амалга оширилаётган ислохотлар, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида тизим бошқарув ходимлари компетенцияларига қўйилаётган замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таъриф берилди:

“Профессионал таълим муассасаси бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлиги - шахснинг интегратив сифати бўлиб, маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий ва ахборот-таҳлил каби махсус компетенциялар тизими билан тавсифланади ва таълим муассасаси иқтисодий

барқарорлигини таъминлашда иқтисодий-ҳуқуқий билимлар, иш тажрибалари, молиявий таҳлиллар асосида самарали қарорлар қабул қилишга ҳаракатларни сафарбар қилиш ва муайян иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга тайёрлик даражаси”.

Бугунги кунда узлуксиз малака ошириш тизими - бошқарув ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини замонавий талаблар билан уйғунлаштириш, мунтазам равишда ривожлантириб бориш имкониятини берувчи кўп босқичли тизим сифатида қаралмоқда (2-расм).



2-расм. Профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлигини узлуксиз малака ошириш жараёнларида ривожлантириш концепцияси

Малака оширишнинг мустақил ва муқобил шакллари амалиётга кенг жорий этиш, бутун жаҳон Интернет ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларида фойдаланган ҳолда илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни малака ошириш жараёнига фаол татбиқ этиш, бошқарув кадрларининг касбий фаолият натижаларини баҳолашга қаратилган ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ижодий иш материалларни қамраб олувчи “электрон портфолио” каби электрон ресурслар тизимларини жорий этиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқот ишининг “**Малака ошириш жараёнида профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш методикаси**” деб номланган иккинчи бобида малака ошириш жараёнларида профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий педагогик шартлари, шакл, метод, воситалари ва босқичлари баён этилган.

Иқтисодий компетентликни ривожлантиришда муҳим вазифа бу бошқарув ходимлари онгини ўзгартиришга эришиш бўлиб, онгининг ўзгариши асосида соҳадаги иқтисодий ўзгаришларга муносабат ва малака оширишга бўлган эҳтиёж юзага келади. Психологик-педагогик жараёнлар кечишига сезиларли таъсир кўрсатувчи ва юқори сифат даражасига эришишга имкон берадиган субъектив ва объектив талаблар, асослар, воситалар мажмуи асосида малака ошириш жараёнларида иқтисодий компетентликни ривожлантиришнинг шарт-шароитлари белгиланди:

моддулли ўқитиш жараёнларини андрагогик ёндашув, онгли компетентлик босқичлари ва ўқув модуллари мазмунини интеграциялаш асосида лойиҳалаштириш;

иқтисодий компетентликни ривожлантиришда бошқарув ходимларининг шахсий даражадаги таълим олишга бўлган мотивациясини ривожлантириш ва ўзаро ишонч, ҳамкорлик муҳитини яратиш;


тингловчиларнинг фаол тарзда ўз-ўзини иқтисодий ривожлантириш жараёнларини таъминлашга йўналтирилган интеграциялашган интерфаол методлардан фойдаланиш;

профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари мониторинги.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш ҳамда педагогик изланиш натижаларини умумлаштириш асосида малака ошириш жараёнида бошқарув ходимлари иқтисодий компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (3-расм).

Моделни лойиҳалаштиришда малака ошириш жараёнини ташкил этишнинг мақсади, таълим мазмуни, шакллари, методлари, воситалари ва ўқув натижаларини баҳолаш каби ўзаро боғлиқ компонентлар таҳлил қилинди. Шунингдек, *илмийлик, узлуксизлик, фасилитация, рефлексивлик* тамойиллари ва тадқиқ қилинаётган жараённи моделлаштириш йўналишини, таянчини аниқлайдиган назариянинг асосий қондаси сифатида *компетентли, тизимли, фаолиятли* ва *андрагогик* ёндашувлар, синергетик жараённинг элементлари сифатида белгиланди.

Натижавий баҳолаш жараёни профессионал таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг самарадорлиги ҳақида фикр юритишга имкон беради. Иқтисодий компетентликнинг ривожланганлик даражалари баҳолаш индикаторлари асосида *юқори-ривожланган, ўрта-таянч, паст-етарли бўлмаган* даражаларда назарда тутилди.



Тадқиқот жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган профессионал таълим муассасалари директорлари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш таълим бўйича директор ўринбосарлари, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарлари ва ҳудудий бошқармалар ходимлари тоифалари малака ошириш ўқув режаларига “Профессионал таълим муассасалари бошқарувида иқтисодий компетентлик ва молиявий масалалар” модули киритилди. Модулли ўқитиш жараёнини технологиялаштириш асосида назарий ва амалий машғулотларини олиб бориш лойиҳаси ва кўчма машғулотларни ташкил этиш дастури ишлаб чиқилди.

Модулли ўқитиш жараёни мазмуни тингловчиларнинг амалий иш фаолиятларидаги муаммолар асосида ташкил этилганда иқтисодий компетентликни ривожлантириш самарали бўлади. Иқтисодий компетентликни ривожлантириш омилларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили асосида малака ошириш ўқув жараёнларига “Problem lecture”, “Case-study”, “Budding”, “Basket” каби инновацион методлар билан интеграллашган ҳолда “Microsoft PowerPoint дастурининг инновацион муҳитида блиц, савол-жавоб” интерфаол методи жорий этилди. Интерфаол методларни жорий этишда иқтисодий компетентликни “Four stages of competence” яъни онгли компетентлик босқичлари асосида ривожлантириш назарда тутилди. Катталар таълимида онгли компетентлик босқичлари янги маҳоратни ўрганишда фикрлаш доирасига таъсир қилувчи иккита омилни ажратиб кўрсатади: онг (хабардорлик) ва маҳорат даражаси (компетенция).

“Four stages of competence”, онгли компетентлик босқичларига кўра иқтисодий компетентликни ривожлантиришда тингловчилар қуйидаги босқичларда ўзларининг билим ва кўникмаларини аниқладилар:

Б1:Unconscious incompetence - анланмаган нокомпетентлик *бу ҳақида эшитмаганман билмайман;*

Б2:Conscious incompetence - анланган нокомпетентлик, *бу ҳақида эшитганман, лекин бажара олмайман, тушунтириб бера олмайман;*

Б3:Conscious competence - анланган компетентлик, *бу ҳақида эшитганман, биламан, бажара оламан тушунтириб бера оламан;*

Б4:Unconscious competence - анланмаган компетентлик, *буни бажара оламан, биламан, тушунтира оламан ва турли иқтисодий вазиятлар бўйича ҳам қўллай оламан, бошқаларга ўргата оламан, йўл йўриқ кўрсата оламан.*

Ўқув модулини тингловчиларинг иқтисодий билим ва кўникмаларини иқтисодий компетентликни “Four stages of competence” модели бўйича қайси босқичда эканлигини аниқлаш билан бошлаш, ўқув мақсадларига эришишда ижобий натижаларга олиб келади. Бунда, “Даннинг-Крюгер” эффекти-компетентлик иллюзиясига кўра айрим тингловчиларнинг ўзларини ижобий баҳолашга мойил бўлиши ва ўз қобилиятларини ортиқча баҳолашларини ҳам назарда тутиш лозим.Таҳлил натижалари асосида тадқиқотимизда асосан Б1, Б2, Б3 босқичларда тингловчиларнинг иқтисодий компетентлик даражаларини (юқори-ривожланган, ўрта-таянч, паст-етарли бўлмаган) аниқлаш назарда тутилди.

Тадқиқот ишининг **“Профессional таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш бўйича педагогик тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг таҳлилий натижалари келтирилган. Тажриба-синов ишлари Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳамда тадқиқот доирасида таклиф этилаётган модел ва қўллаган методикамизни текшириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида 2019-2020 йилларда қуйидаги амалий босқичларда олиб борилди:

1. Аниқлаш ва тайёргарлик босқичи. Ушбу босқичда тадқиқотни амалга ошириш режаси тузилди, тажриба-синов майдони аниқлаб олинди. Малака ошириш тизимининг жорий ҳолати аниқланди, ўқув меъёрий ҳужжатлар таҳлил қилинди. Малака ошириш жараёнида профессионал таълим муассасалари бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш контекстида норматив-ҳуқуқий база, ўқув режа ва дастурлар намуналари таҳлил қилинди ва фараз шакллантирилди.

2. Амалга ошириш босқичида бошқарув ходимларининг малака ошириш жараёнида иқтисодий компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Моделни самарали амалга оширишда педагогик шарт-шароитлар аниқланди, малака ошириш жараёнини такомиллаштириш йўналишлари, мазмуни ва технологиялари белгилаб олинди.

3. Яқунловчи босқичида тажриба-синов ишлари натижалари сарҳисоб қилинди, яқуний диагностик ташхислар ўтказилди, натижалар қайта кўриб чиқилди, тажрибадан ўтказилган маълумотлар тизимлаштирилди ва иш натижалари расмийлаштирилди.

Профессional таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлигини баҳолаш методлари умумий натижаларидан хусусий натижаларга йўналтирилган тамойил асосида кириш тести, ўз-ўзини баҳолаш сўровномаси, муаммоли маъруза, амалий машғулот, модул доирасида ўтказилган тестлар, чиқиш тести натижаларини қамраб олди ва тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган иқтисодий баҳолаш индикаторлари асосида аниқланди.

Профессional таълим тизими бошқарув ходимларининг иқтисодий компетентлиги “интегротив” хусусият эканлигини инобатга олган ҳолда унинг ривожланганлик даражаси бир неча объектив ва субъектив баҳолашлар ва ишлаб чиқилган индикаторларни қўллаш асосида аниқланди. Иқтисодий компетентликни баҳолашда тингловчиларнинг хатти – ҳаракати “дихотомик” тушунча асосида “бажара олади” – “бажара олмайди” шаклида назарда тутилди. Иқтисодий компетентликни баҳолаш индикаторлари мазмунида мотивацион мезон “тайёрлик”, когнитив мезони “қандай даражада биламан”, фаолиятли мезон - “бажара оламан”, шахсий мезон “нима учун” тизимларини ифодалайди.

